Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
11 апрель
ЧОРШАНБА

№ 28
(12.456)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

## БОЛАЖОНЛАР УЧУН ҚИЗИҚАРЛИ САЁҲАТ

**"Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви шаҳар ва туманлардаги "Меҳрибонлик" уйлари ҳамда махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, камхарж оилаларнинг фарзандлари учун Тошкент шаҳрига бепул саёҳат уюштирди.**

Унда ҳар бир шаҳар ва тумандан юз нафардан ўқувчи иштирок этиб, Темурийлар давлат музейи экспонатлари билан танишишди, пойтахтнинг бошқа диққатга сазовор жойларини томоша қилишди.

– Мамлакатимиз пойтахтида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, тарихий ёдгорликлар ва меъморий обидалар болаларда катта қизиқиш уйғотди, – деди жамғарманинг Чирчиқ шаҳар бўлими бошқаруви бош мутахассиси Саида Султонова.

Саёҳат "Туркистон" санъат саройида болалар учун "Сеҳрли кўзгу" спектаклини намойиш қилиш билан якунланди.

**Ҳасан ЖУМАЕВ.**

### ОҚҚЎРҒОН ТУМАНИ

## «СОҲИБҚИРОН» – ҒОЛИБ

**Транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежида "Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз!" шиори остида давра суҳбати ва кўрик-танлов ўтказилди.**

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда ташкил этган давра суҳбатида буюк Соҳибқироннинг Марказий Осиёда ягона марказлашган давлат барпо этиш йўлидаги зафарли кураши ҳақида гап борди. Илм-фан ва маданият ҳомийсининг жаҳон тарихига қўшган улкан ҳиссаси, янги авлодни Амир Темур ўгитлари асосида тарбиялаш хусусидаги суҳбатлар талаба ва ўқитувчиларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотди.

Кўрик-танловда "Соҳибқирон" ва "Адолат" жамоалари аъзолари тўрт шарт бўйича ўз билимларини намойиш қилишди. 49-гуруҳ ўқувчиси Муслим Қўшбоев сардор бўлган "Соҳибқирон" гуруҳи ғолиб деб топилди. Ғолиб ва бошқа иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

### БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ

## ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР

**17-болалар мусиқа ва санъат мактабида миллий анъана ва қадим қадриятлар акс эттирилган "Қувноқлар ва зукколар" кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

Йигитлардан иборат "Осмондаги болалар" ўзбек халқ чолғучилиги бўлими гуруҳи намойиш этган кўпкари ва чиллак ўйинлари, ҳалим тайёрлаш жараёнлари томошабинларда қизиқиш уйғотди. Фотепьяно бўлими қизларидан иборат "Интервал" гуруҳи ҳам йигитлардан қолишмасликка ҳаракат қилишди. Улар ижро этган миллий рақслар, болани бешикка белаш, алла айтиш, бештош ўйинлари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. "Янги авлод болалари" кичик гуруҳи ҳам кўпдан унут бўлган миллий болалар ўйинларини маромига етказиб ижро этдилар.

Танлов натижаларига кўра, 1-ўрин "Осмондаги болалар" жамоасига насиб этди. Иккинчи ўрин "Интервал" қизлар жамоасига берилди.

**Суннат МУСАМЕДОВ.**

### ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

## «ШУНҚОРЛАР» ҲАРБИЙ-СПОРТ МУСОБАҚАСИ

**Марказий ўйингоҳда "Ватанпарвар" ташкилоти, "Маҳалла" жамоат фонди, "Камолот", мудофаа ишлари, маданият ва спорт ишлари бўлимлари ҳамкорлигида ўқувчи-ёшларни Қуролли Кучлар сафига хизматга ва ҳарбий билим юртларига киришга тайёрлаш, спорт мусобақаларига оммавий жалб этиш мақсадида "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақасининг туман босқичи ўтказилди.**

Мусобақада тумандаги 4 та коллеж жамоалари иштирок этиб, сафда юриш тайёргарлиги, саф қўшиғи, умумий сиёсий-ҳуқуқий тайёргарлик, АКМ автоматини сочиш ва йиғиш, фуқаро ҳимояси ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш, кросс югуриш, граната улоқтириш, турникда тортилиш каби 12 та шарт бўйича беллашди. Қурилиш ва сервис касб-ҳунар коллежининг "Жасорат" жамоаси 1-ўринни эгаллади ва вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди.

## ЁШЛАР САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОР

**Халқаро саломатлик кунига бағишлаб, Тошкент Давлат аграр университетида ўтказилган учрашувда ОИТС, сил, тери-таносил касалликларининг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг олдини олиш масалаларида фикр алмашилди.**

Малакали мутахассислар хавфли касалликларнинг аянчли оқибатлари ҳақида кенг маълумот бердилар.

Амалий учрашув чоғида "Исломобод" маҳалласи аҳолиси, университет ўқитувчи ва талабалари, ёшлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олишди.

**Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА.**



# УСТОЗЛИКНИНГ ГАШТИ ЎЗГАЧА

**Касбнинг яхши-ёмони бўлмаганидек, ҳар бир ишнинг масъулияти ҳам бирдек муҳим. Ким қаерда, қайси касб билан шуғулланмасин, ўз ишининг устаси бўлса, бас, жамоанинг ҳурмати ҳам, раҳбариятнинг эътибори ҳам, умумий иззат-ҳурмат ҳам ўшаники.**

Ҳамидхон Муҳиддинов ана шундай ҳамшаҳарлари сафига қўшилиб, ишчи деган шарафли номга муносиб бўлиш учун интилди ва мақсадига эришди. Бугун уни ангренликлар ўз касбининг фидойиси сифатида билишади ва ҳурмат қилишади.

Ҳ. Муҳиддинов 1998 йилдан буён "Ўзбеккўмир" очиқ акциядорлик жамияти "Кон-транспорт ускуналарини созлаш" унитар корхонаси механика цехида металл тиш қирқувчи бўлиб ишлаб, юртимиз кўмир саноатининг ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Кон-транспорт ускуналари ва экскаваторларни таъмирлашда керак бўладиган янги қисмлар тажрибали уста қўлида сайқал топмоқда. Кейинги уч йил ичида цехда тайёрланаётган маҳсулотлар 5,8 миллион сўмликдан 8 миллион сўмликка кўтарилди.

Корхонага ишга келаётган ёш мутахассислар, айниқса, касб-ҳунар коллежларини битириб келаётганларнинг аксариятига ўзининг илғор иш услуби ва бой тажрибасини ўргатишда касбдошларига доимо ибрат. Коллежларнинг дипломолди амалий машғулотларини ўташга келган ўқувчиларнинг аксариятига ҳам Ҳ. Муҳиддинов эринмай раҳбарлик қилади. Айтишларига қараганда, ушбу уста қўлида амалиёт ўтаган ўқувчилар биринчидан, коллежни муваффақиятли битиришса, иккинчидан, ўз касблари бўйича ишга жойлашишда ҳам қийналмай, бемалол ишлаб кетишади.

**СУРАТДА:** Ҳамидхон Муҳиддинов шогирдлари даврасида.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

**Икки томонлама ҳамкорлик дастури доирасида мамлакатимизга ташриф буюрган Буюк Британия ҳукумати аъзоси, Консерваторлар партияси ҳамраиси баронесса Саида Варси 9 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова билан учрашди.**

# БУЮК БРИТАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Икки мамлакат ўртасида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш борасида ўзаро тажриба ва ахборот алмашувини такомиллаштириш, бу йўналишдаги ҳамкорликни фаоллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг касб, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза этиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бермоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони муҳим дастуриламал бўлаётир.

Буюк Британиялик меҳмон мамлакатимизда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнат шароитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган хайрли ишларга юксак баҳо берди.

Саида Варси Тошкент Халқаро Вестминстер университетида профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан мулоқотда бўлди.

– Ўзбекистонга ташрифим доирасида қадимий ва навқирон Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлганимдан ҳам мамнунман, – деди Саида Варси хоним. – Сафаримиз Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 676 йиллиги кенг нишонланаётган кунларга тўғри келгани ҳам бизни ғоят қувонтиради. Буюк аждодингизнинг Мовароуннаҳр халқлари маданияти ва илм-фани тараққиётида тутган ўрни беқиёсдир. Амир Темур ва темурийлар даврида қурилиб, бугунги кунгача сақланиб қолган тарихий обидалар ўша давр меъморчилиги, бунёдкорлик ишларининг энг гўзал намуналаридир. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва очиқкўнгиллиги мени жуда лол қолдирди. Ўзбекистонда барча соҳаларда юксак тараққиётга эришилаётгани, жумладан, парламентаризм ва қонун ижодкорлиги йўналишларида ҳам катта муваффақиятлар қўлга киритилаётгани таҳсинга лойиқдир. Мақсадимиз Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдир.

**Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири.**

# ОБОД ЮРТГА КЎРКАМ БОҒЛАР ЯРАШАР

**Тошкентдаги эски ҳайвонот боғи ҳудудида юртимизда ягона бўлган Экологик боғнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда маданият ва санъат арбоблари, жамоат ташкилотлари, ижодкор ва фаол ёшлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.**

Экобоғда "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмасининг "Кўчат ўтқаз" акцияси доирасида "Бинафша" хиёбони ҳам барпо этилди. Бинафша кўчатлари таниқли хонандалар, актёрлар, шифокорлар, спортчилар, ёшлар, болажонлар ва уларнинг ота-оналари томонидан ўтқазилди. Рассомчилик маҳорат дарслари, деворга аэрозоль буёқ ёрдамида расм чизиш, тошкентлик скейтборд усталари, роллерлар, велосипедчиларнинг чиқишларини йиғилганлар катта қизиқиш билан томоша қилишди.

"Катта шаҳарнинг янги нафаси ёки оила даврасида мириқиб дам оламиз!" шиори остида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Мицубиси Корпорейшн" корпорацияси ҳамкорлигида бунёд этилган экобоғда болалар бир вақтнинг ўзида ҳам дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари, она табиат ва атроф-муҳитга дўстона муносабатда бўлишга оид билимларини бойитишлари мумкин. Экологик тоза маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда барпо этилган боғ ёшларни соғлом турмуш-тарзига ошно этиш баробарида, юртимиздаги экологик барқарорлик, иқлим ўзгариши, биохилма-хиллик каби турли ҳолатлар, табиат ҳодисалари ҳақида кенг маълумот беради.

– Одатда гавжум шаҳарларда транспорт ва маиший техника воситаларидан табиатга турли зарарли газлар чиқади, – дейди "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази мутахассиси Акбар Эргашев. – Боғу роғлар, ям-яшил сайилгоҳлар зарарли газларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиради, ўзидан кислород ишлаб чиқариб, ҳавони тўйинтиради ҳамда инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади. Энди пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари янги экологик боғда очиқ ҳавода сайру саёҳат қилиб, оиласи, дўстлари ва яқинлари билан мириқиб ҳордиқ чиқаришлари мумкин.

Боғдаги дарахтлар ва майсазорлар билан ўралган катта майдон юқори ўлчамдаги кулолчилик буюмлари билан безатилган. Скейтбордчилар, роллер ва велосипедчилар учун махсус майдон юртимизда ягона ҳисобланади. Бу ерда фанбокс, кватр-пайп, горка ва рейллар каби махсус конструкциялар, қизиқарли ва ғаройиб инсталляция-аттракционлар қурилган. Бу ердаги металл трубалардан ишланган икки метрли ўргимчакнинг оёқлари арқон билан тортилган, ўсимликдан бунёд этилган яшил лабиринт, оддий ўриндиқлар ўрнига автомобиль шиналаридан фойдаланилган арғимчоқлар ва йўлаклар, сакраш учун турли рангли қоплар болажонларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришларига мўлжалланган.

Тошкент экобоғида ҳайкалтарошлик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, миниатюра сингари санъатнинг кўплаб йўналишлари бўйича ижодий учрашувлар ва машғулотлар ўтказиш режалаштирилган. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси қошидаги Болалар ижодиёти марказлари билан ҳамкорликда ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари учун болалар суратлари танловлари, кўргазмалар ва бошқа ижтимоий лойиҳалар ҳам ташкил этилади.

Шунингдек, боғда "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси томонидан машҳур санъат ва маданият намояндалари, "Янги авлод" болалар ижодиёт фестивали ғолиблари, "Келажак овози" танлови лауреатлари иштирокида "Кўчат ўтқаз!" акциясини ташкил этилади. Эслатиб ўтамиз, экобоғ юртимиз аҳолиси учун 8 апрелдан хизмат кўрсата бошлади.

**Азима ҚИЁСОВА, "Туркистон-пресс".**

**Миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларини сақлаш, ёш авлод қалбига Она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши "Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар" фестивали лойиҳаси асосида Юқори Чирчиқ туманида "Варраклар сайли", "Миллий ўйинлар" "Сумалак сайли" ташкил этди.**

# ҚАДРИЯТ, УРФ-ОДАТ, АНЪАНА

Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан келган ёшлар миллий урф-одат ҳамда таомларимизни ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳукмига тақдим этишди. Турли қардош мамлакатлар халқларининг урф-одатлари акс этган театрлаштирилган томошалар, "Ошиқ ўйин", "Подачи", "От ўйини", "Қувноқ чавандозлар", "Тортишмачоқ" каби миллий спорт ўйинлари ташкил этилди. Уларда 800 га яқин ёшлар ва болажонлар иштирок этишди.

Спорт ўйинлари ва мусобақалардан сўнг иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

**Дилором АБДУҒАФФОРОВА.**

# МУСТАҲКАМ ОИЛА ПОЙДЕВОРИ

**Ўрта Чирчиқ туман саноат-сервис коллежида ижтимоий қўллаб-қувватлаш ахборот маркази, ЎзЛиДеП вилоят кенгаши, вилоят савдо-саноат палатаси, фермер аёллар уюшмаси ва туман ҳокимлиги иштирокида "Ёшлар маънавияти – мустаҳкам оила пойдевори" мавзусида тадбир ўтказилди.**




Жамият асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оила, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, Мустаҳкам оила йилида кам таъминланган оилаларга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ёрдамни янада кучайтириш ҳақида фикр юритилди. Шунингдек, ёшлар маънавиятини юксалтириш, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурини таъминлашга қаратилган лойиҳалар, савдо-саноат палатасининг ёшларни иш билан таъминлашга кўмаги ҳақида кенг маълумотлар берилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

САНЪАТ ОЛАМИДА

# ВАҚТ ИМКОНИЯТЛАРИ

**"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси Мустаҳкам оила йилига бағишлаб ўтказаётган тадбирлардан яна бири иқтидорли рангтасвир устаси, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Гулнора Громова ижодига бағишланган кўргазманинг очилиши бўлди.**

"Вақт имкониятлари" деб номланган ушбу кўргазмага қўйилган асарлар табиат ва инсон, макон ва замон, оила, турмуш ташвишлари ва қувончларидан сўзлайди. Мўйқалам устасининг Она замин, жонажон юртига бўлган меҳр-муҳаббати мужассамлашган расмлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

**Саида РАҲМОНОВА.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

**ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ**

# «УСМОНОБОД» – ОИЛАВИЙ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ

**"Усмонобод" кейинги йилларда нафақат Чиноз тумани, балки вилоятда ҳам илғор фермер хўжаликлари қаторида тилга туша бошлади. Боиси, йилдан-йилга пахта, ғалла ҳосили ортиб, иқтисоди мустаҳкамланмоқда. Бунда қишлоқ хўжалиги соҳасида қирқ йил самарали меҳнат қилган хўжалик саркори Усмонали Эрматовнинг ҳиссаси катта.**



– 2000 йили 10 гектар ерда фермерлик ҳаракатини бошлаган эдик, – дейди у. – Кейинчалик ширкат хўжаликлари тугатилиб, фермер хўжаликлари ўртасида эълон қилинган танловда қатнашиб, 160 гектар ерга эга бўлдик. Фермерчиликда техникасиз иш юритиб бўлмайди. Шунинг учун дастлаб техника жамлашга киришдик. Қисқа вақт ичида ВТ-150, МТЗ-80, ТТЗ-80 тракторлари, уларнинг тиркама, плуг, культиватор каби ишчи органларини харид қилдик.

2011 йилда 177 тонна ўрнига 200 тонна пахта, 230 тонна ўрнига 247 тонна буғдой етиштиришга эришдик. Даромад ҳам шунга яраша бўлди.

Даромадга қараб буромад деганларидек, фермер хўжалиги техникаларни кўпайтиришга эътибор қаратиб кам бўлмади. Банк орқали кредитга ВТ-150 занжирли, ТТЗ-80 чопиқ тракторлари лизинг асосида харид қилинди. Бу йил ТТЗ-80,2 трактори сотиб олишни режалаштирган.

2012 йил – Мустаҳкам оила йили деб эълон қилинганлиги Эрматовлар сулоласини янги режалар сари руҳлантирди. Усмонали фермер хўжалигини юритишда 5 нафар ўғилларига таянади. Катта ўғли Улуғбек олий маълумотли иқтисодчи. У хўжаликнинг ҳисоб-китоб ишларини олиб борса, кейинги ўғиллари Ойбек зоотехникликни, Акмал, Отабек, Элбек машина ва тракторларни бошқаришиб, хўжалик ишларида оталарига камарбаста бўлишаяпти.

Оила бекаси Тамара ая фермерчиликнинг яна бир тармоғи – сабзавотчиликда келинлари Нодира, Дилноза, Сурайё, Моҳигулларга бош-қош бўлиб, 50 сотих иссиқхонада турли сабзавотлар етиштириш билан машғул.

– Барча муваффақиятларимиз сабаби аҳилликда, – деди Усмонали фермер. – Фарзандларим бола-чақали бўлишига қарамай, ҳанузгача рўзғоримиз битта. Фақат, яқиндагина катта ўғлим Улуғбекка Олмазор шаҳарчасида қурилган намунавий уйлардан бирини олиб бердим.

Фермер хўжалиги фақат деҳқончилик билан шуғулланмайди. Йилдан-йилга иқтисоди бақувватлашиб бораётганининг яна бир омили чорвачиликдир. Ҳозир фермер хўжалигида 200 бош қорамол, 20 бош қўй, 5 бош от, 50 та товуқ боқилаяпти. Хўжалик Чиноз деҳқон бозори билан тузган шартномасига кўра, 2011 йилда 15 тонна гўшт етказиб берган бўлса, бу йил 20 тоннага етказишни режалаштирган.

"Усмонобод" бу йилги "Ташаббус – 2012" кўрик-танловининг туман босқичида биринчи, вилоят босқичида эса 3-ўринга сазовор бўлди.

Хўжалик хайрия тадбирларида ҳам фаол. Ўтган йили 4 та кам таъминланган оилаларга бир бошдан қорамол берди. Маҳалласида 1,5 километр масофага газ қувурлари тортиб, кўчаларни тартибга келтирди.

Бу йил хўжалик деҳқонлари 60 гектар ерда ғалла парвариш қилишаяпти. Айни кунларда буғдойзорлар бегона ўтдан тозаланиб, озиқлантирилиб, суғорилмоқда. 80 гектар майдонга эса бугун-эрта чигит экиб бўлинади.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ.**
**Алишер НОСИРОВ олган суратлар.**

**ФАРМОН ВА ИЖРО**

# ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

**Мамлакатимизда иқтисодиёт, сиёсат, давлат қурилиши, ҳуқуқий тизим ва жамиятни маънавий янгилаш соҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳуқуқий асослари босқичма-босқич мустаҳкамланиб, такомиллаштирилаётир. Бу жараёнларда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳар бир фуқаро ҳуқуқий тизим ва қонунчилик асосларини билишини таъминлаш вазифаси тобора долзарб бўлиб бораётир.**

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида таъкидлаганидек, Концепцияда ва уни амалга ошириш стратегиясида мужассамлашган олижаноб мақсадлар халқимизнинг ҳаёт мазмуни ва амалий интилишларига айланиб бормоғи лозим. Истиқболга бундай ёндошув билан яшаш учун ҳар биримиз ҳуқуқий онг ва маданиятимизни юксалтиришимиз зарур. "Юксак даражадаги ҳуқуқий маданият – ҳуқуқий давлатнинг белгисидир" деб таъкидлайди Юртбошимиз.

Республика Президентининг "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданият даражасини ошириш, ҳуқуқшуносларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш борасидаги ишларни яхшилаш тўғрисида"ги Фармонида таъкидланганки, давлат сиёсатининг асосий вазифаси аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тарбияни яхшилашдан иборат. Жамиятда қонуннинг устунлигини таъминлашда бу асосий омил бўлиб қолади. Қонуннинг устунлигига эришмай туриб, фуқаролик жамиятини қуриб бўлмайди.

Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда касаба уюшмалари муҳим ўрин тутаётир. Вилоят касаба ташкилотлари миллий дастурда белгиланган вазифаларни изчил амалга оширмоқда. Мониторинг ўрганишлари ва текширишлар кўпгина касаба қўмиталари, кенгашлари ва вакилликлар қошидаги ёшлар билан ишлаш комиссиялари йигит-қизларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш саъй-ҳаракатини тобора кучайтираётганлигини кўрсатмоқда. Оғзаки ҳуқуқий тарғибот тадбирлари, айниқса, лекция, суҳбат ва илмий-амалий конференцияларда юзлаб тингловчилар иштирок этишаётир. Чунончи, вилоят касаба ташкилотлари ўтган бир йил ичида ташкил этган 16 та оммавий тадбирда 3662 тингловчи ҳуқуқий билимларини оширди.

– Касаба уюшмалари тизимида ҳуқуқий маданиятни ошириш бугунги кунда энг долзарб, стратегик вазифага айланди, – дейди вилоят касаба ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Шуҳрат Деҳқонов. – Уни изчил бажариш касаба аъзоларининг меҳнат ҳуқуқлари ва иқтисодий-ижтимоий манфаатлари ишончли ҳимояланишини таъминловчи омилдир. Бунинг учун аввало, касаба ташкилотлари фаолларининг ўзларини ўқитиш, ҳуқуқий, молиявий, умуман, ижтимоий-иқтисодий билимларини ошириш зарур. Бошқа вазифалардан озод қилинган касаба қўмитаси раислари, касаба фаоллари Ўзбекистон касаба уюшмалари ўқув марказида малака оширмоқдалар. Тармоқлар бўйича ўқитиш тизими ҳам бирмунча дуруст фаолият кўрсатаётир.

Шунга қарамай, афсуски, фуқароларнинг ҳуқуқий билими ҳануз талаб даражасида эмаслиги сезилиб қолаяпти. Қўшма, акциядорлик ва нодавлат корхоналарни ташкил этишда кўпгина иш берувчилар, маъмур ва ходимлар бўлими хизматчилари, ҳисобчи, ҳуқуқшунос ва хўжалик ходимларининг Меҳнат Кодексини пухта билмасликлари ошкор бўлаяпти. Қонун талабларини четлаб ўтиб ишлашга интилиш ҳам йўқ эмас.

Меҳнат Кодексининг 74-моддаси талабини бузиб, ходимга меҳнат шартномасидан бир нусха бермаслик, ушбу шартноманинг тасдиқланган намунавий шаклига мос келмаслиги, уларда иш вақти ва меҳнат таътилининг давомийлиги, меҳнатга ҳақ тўлаш, устама ва қўшимча ҳақни кўрсатмаслик ҳоллари учраб турибди. Автотранспорт, енгил ва мебель саноати, коммунал-маиший хизмат корхоналарида Меҳнат Кодексининг 108-моддаси талабига зид ҳолда меҳнат шартномаси бекор қилингани ҳақидаги буйруқ нусхаси ходимларга берилмайди.

Муҳокамалар чоғида Зангиота туман машина-трактор парки, "Автомагистрал" бирлашмаси, Бекобод, Янгийўл туманлари марказий шифохоналарида, Пискент коммунал-маиший ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида ходимлар таътил жадвали олдиндан тузилмайди. Меҳнат дафтарчалари ҳамиша ҳам тўғри тўлдирилмайди, уларни рўйхатга олиш китоби рақамланиб, муҳрланмаган. Ишга қабул қилиш ва бўшатиш, шунингдек, иш ўзгаргани ҳақидаги маълумотлар меҳнат дафтарчаларига қайд қилинмаслиги таъкидланди.

Касаба идораси ходими ҳуқуқий билимларни пухта эгаллаган бўлсагина уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари бузилганини тўғри аниқлаши ва бартараф этиши мумкин. Айнан шундай ҳолларда корхона, ташкилот ва муассасалардаги ҳуқуқий хизматнинг роли муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва ходимлар саломатлигига етказилган зиённи қоплаш тўловлари, ишдан бўшатиш ёки бошқа ишларга ўтказиш, меҳнатга ҳақ тўлаш каби масалаларда мурожаатномалар оз эмас. Мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари сабабли меҳнат шартномасини, айниқса, штат қисқартирилиши муносабати билан бекор қилиш тўғрисидаги қарорлар нотўғри қабул қилинади, қонунда кўзда тутилган кафолат ва имтиёзлар берилмайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқий билимли ходим қонунбузилиш ҳолатларига камдан-кам йўл қўяди. Бундайлар ўз фуқаролик ва меҳнат соҳасидаги бурчларини пайсалга солмай бажарадилар. Бинобарин, ҳуқуқий маданият жамиятда барқарорликни, одамларда эртанги кунга ишончни мустаҳкамлайди. Буни ҳамиша ёдда тутиш, ҳар бир киши ўз ҳуқуқий билимларини ошириб бориши ҳаётий заруратдир.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**ДЕПУТАТ МИНБАРИ**

# ТАРБИЯДАГИ БЎШЛИҚ ТАРБИЯСИЗЛИККА ОЛИБ КЕЛАДИ

**Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида шундай дейилади: "Бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Қаердадир бўшлиқ пайдо бўлдими, ҳеч шубҳасиз, уни, албатта, кимдир тўлдиришга ҳаракат қилади". Ҳозирги кунда шундай маънавий бўшлиқни тўлдиришга уринадиган, бу билан ўзининг ғаразли мақсадларини амалга оширишни ўйлайдиганлар кўп.**

Вилоят прокурорининг Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сўнгги сессиясидаги қонунийлик ҳамда жиноятчиликка қарши кураш ҳолатига доир ҳисоботида вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ишлари атрофлича таҳлил қилинди. Мактаб, маҳалла ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликдаги тадбирлар натижасида вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик 3,2 фоизга камайгани айтилди.

Афсуски, вояга етмаганлар ўртасидаги битта жиноят ҳам жиноят. Унинг содир бўлиши замирида биз – катталарнинг, жамоатчиликнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги ётади.

Республикамизда вояга етмаганлар билан ишлаш, уларга таълим-тарбия бериш бўйича яхлит, узлуксиз тизим яратилган. Ёшларга масъуллик маълум бир таълим-тарбия муассасаларига, жамоат ташкилотларига юклатилган. Вояга етмаганлар тарбиясида маҳалла, "Камолот"" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бевосита оиланинг биргаликдаги ишлари муҳим аҳамиятга эга. Айтайлик, ўқувчи июнь ойида ўрта мактабни битиргани ҳақидаги шаҳодатнома билан ўзи танлаган ўқишга кириш мақсадида ота-она ва мактаб раҳбари билан ҳужжатларини касб-ҳунар коллежи ёки академик лицейга топширади. У июль ойида ҳам устозлари назоратида бўлади. 1 августда ўқувчи таълимнинг кейинги босқичига тортилгани ҳақида ўрта махсус касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларда буйруқ чиқарилади. Лекин, у илм даргоҳига 2 сентябрдан боради. Бинобарин, август – вояга етмаганларга алоҳида эътибор талаб қилинадиган ой. Шу даврда маҳалла, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати масъулият ҳис этган ҳолда ёшлар билан ишлашнинг алоҳида режаси асосида фаолият юритмоғи лозим.

Тарбия жараёни бир-бири билан мустаҳкам боғланган занжирга ўхшайди. Унинг бўғинлари мактабгача тарбия муассасаси – мактаб-коллеж ва лицей-маҳалла-"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати – жамоат ташкилотларидан иборат. Бош бўғин эса, шубҳасиз, оиладир. Занжир бандларидан бирортасида бўшашиш, лоқайдлик юз берса, узилиш содир бўлади. Бу кўпинча, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка олиб келади.

Давлатнинг гуллаб-яшнаши, халқ фаровонлиги олижаноб хулқ-одобга боғлиқ. Хулқ-одоб эса тарбия туфайлидир. Донишмандлардан бири "Мактаблар кўплигига қарамай, яхши ота-оналарсиз яхши тарбия бўлмайди" деган экан. XX аср маърифатпарвари Абдулла Авлоний "Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ" асарида тарбия ҳақида шундай пурҳикмат мисраларни ёзади:

*Туғиб ташлаш билан*
*бўлмас бола, бўлғай*
*бало сизга,*
*Вужуди тарбият топса,*
*бўлур ул раҳнамо сизга*
*Темирчининг боласи тарбият*
*топса, бўлур олим,*
*Бузилса хулқи, Луқмон ўғли*
*бўлса, бўлғуси золим.*

Юртбошимиз айтганларидек: "Менинг энг катта ишончим ва умидим – бугун замонавий билим ва тарбия олаётган, эндигина кучга кираётган ёшларимиз, фарзандларимиздир. Фарзандларимиз бизнинг келажагимиз. Халқимиз эртасининг қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ". Шундай экан, баркамол, комил ёшларни тарбиялаш барчамизнинг бурчимиздир.

**Марҳабо ҚУРБОНОВА, Пискент туманидаги 1-мактаб директори, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.**

**МАТБУОТ АНЖУМАНИ**

**Ўзбекистон дунё тўқимачилик ҳамжамиятига дадил кириб бормоқда. Маҳаллий ва чет эл инвестициялари жалб қилиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланган, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи янги корхоналар барпо этилмоқда.**

# ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Юртимизда тўқимачилик машинасозлигини яратиш борасида олиб борилаётган ишлар, инвестиция лойиҳалари, жаҳон тажрибасидан самарали фойдаланиш масалалари" мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида шу соҳадаги ишлар ҳақида кенг ахборот берилди.

"Ўзбекенгилсаноат" ДАК корхоналари қувватлари йилдан-йилга ортиб, турли ип-калава ва газлама, тикувчилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ҳамда пайпоқ ишлаб чиқармоқда.

Бу йил 20 дан зиёд инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Шу асосда 3000 дан зиёд янги иш ўринлари очилади.

Тадбир якунида оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Умида ШУКУРОВА.**

# ЁШЛАР УЧУН ОММАВИЙ КАСБ

**Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Бекобод шаҳар кенгаши ёшларни оммавий касбларга ўргатишга алоҳида эътибор қаратмоқда.**



Ҳозир "В", "ВС" тоифадаги ҳайдовчиликка ўргатиш бўйича 8 та гуруҳда 200 йигит-қиз таҳсил олмоқда. Йил охиригача 500 га яқин ёшларни оммавий касбларга тайёрлаб бериш кўзда тутилган. "Камолот" ЁИҲ шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларнинг 5 фарзанди ҳайдовчилик курсида имтиёзли ўқитилмоқда.

Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан ташкилотдаги ўқув гуруҳлари ўртасида спортнинг пневматик милтиқдан ўқ отиш тури бўйича мусобақа ташкил этилди. Иштирокчилар ва энг фаоллар маъмуриятнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

"Ватанпарвар" ташкилоти маҳаллаларига оталиқ ёрдамини ҳам кўрсатмоқда. Жумладан, ногиронлар жамиятига, ал-Хоразмий маҳалласида яшовчи кам таъминланган оилаларга 500 минг сўмдан ортиқ хайрия ёрдами берилди.

Шунингдек, ташкилот оталиғидаги "Фарғона" маҳалласи ҳудуди ободонлаштирилиб, аҳолига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

"Камолот" ЁИҲ шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақаси ҳам ўтказилди.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ.**

**Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да қонун ижодкорлиги жараёни кенгайгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганига ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошгани алоҳида таъкидланди.**

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда қонунлар ва қонунчилик техникасини такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. "Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида"ги, "Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида"-ги, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонунлар, ишлаб чиқилаётган ҳар бир меъёрий ҳужжатнинг мамлакатимиз ривожига хизмат қилишини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августда қабул қилинган "Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш, шунингдек, улар бажарилиши мониторинги дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"-ги қарори бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Қарорда қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тегишли дастурга мувофиқ ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш юзасидан барча зарур йўл-йўриқлар белгиланган. Яратилаётган қонунлар нафақат муайян соҳага тегишли нормаларга, ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар талабларига ҳам мувофиқ бўлиши шартлиги мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, келишиш, экспертизадан ўтказиш масалаларига бағишлаб ташкил этилган анжуманда мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Н. Йўлдошев бошқарган тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қонунчилик базасининг муттасил мустаҳкамланаётгани жамият ҳаётининг барча жабҳаларини босқичма-босқич ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилмоқда. Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро мутаносиблиги ва сўзсиз ижро этилишига хизмат қилаётир. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Адлия вазирлиги тизимида нафақат қонун ҳужжатлари лойиҳасини тайёрлаш, балки ҳуқуқни қўллаш амалиёти доимий таҳлил қилинаётгани ва мониторинги юритилаётгани, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асосланган таклифлар тайёрлаш тизими яратилгани ўз самарасини бермоқда.

Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини юридик экспертизадан ўтказиш жараёнида уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги юзасидан тайёрланаётган хулосалар ҳар бир ҳужжатнинг пишиқ ва пухталигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

**ЎзА.**

**«ПИЛЛА – 2012»**

# МЎЛ ҲОСИЛНИ КЎЗЛАБ...

**Юртимизда қимматбаҳо саноат хом ашёси – пилла етиштириш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.**

**Мамлакатимизда пилла хом ашёси етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2006 йил 15 ноябрда қабул қилинган "Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.**



Жойлардаги "Пилла" бирлашмалари, ипак қурти уруғчилиги ва пиллани қайта ишлаш корхоналари ҳамда вилоятлардаги 3,8 минг инкубатория тегишли тартибда жиҳозланди. Ҳосилдорликни ошириш ва етиштириладиган пилла сифатини яхшилаш мақсадида қабул қилиш корхоналарини мавсумга пухта тайёрлаш билан бирга 55 минг гектардан зиёд майдондаги тутзор ва 76 миллион тупдан ортиқ якка тут қаторларида агротехника тадбирлари амалга оширилмоқда. Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида бу юмушлар якунланиб, уруғларни жонлантириш тадбирлари бошлаб юборилди.

Жорий мавсумда пиллакорларга 446 минг қути "Ипакчи-1", "Ипакчи-2", "Ўзбекистон-5", "Ўзбекистон-6" каби серҳосил, иқлим шароитимизга мос, касалликларга чидамли ипак қурти уруғлари тарқатилади.

– Бу йилги мавсумда "кумуш тола" сифатини ва салмоғини янада ошириш чоралари кўрилмоқда, – дейди Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг пиллачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Қаҳҳор Явқоштиев. – Шу мақсадда мавсумда бажариладиган барча жараёнлар – тут кўчати ўтказишу ипак қуртини парваришлашдан то етиштирилган маҳсулотни пиллахонага олиб келгунча бўлган ишлар тизимли асосда ташкил этилади.

Мутахассисларнинг маълум қилишича, ипак қуртини парваришлашда эътиборсизлик туфайли баъзи касалликлар келиб чиқади. Масалан, ипак қуртини қалин боқиш оқибатида бир қути ҳосилнинг 25-30 фоизи йўқотилади. Агротехника қоидаларига риоя этмаслик оқибатида эса ҳосил 15 фоизгача камайиши мумкин.

Айни вақтда юртимизда пиллакорларни моддий рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, етиштирилиши мўлжалланаётган ҳосил қийматининг 30 фоизи миқдоридаги маблағ мавсум бошиданоқ бўнак пули сифатида берилмоқда.

**Сайёра ШОЕВА, ЎзА мухбири.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

# XXI аср ва дунё

## ЎЗЛАРИНИ ЎЗЛАРИ ҚУТҚАРИШЯПТИ

**Бир неча кундан бери қулаган кон харобалари остида қамалиб қолган тўққиз шахтёрни қутқариш ишларига уларнинг ҳамкасблари жалб этилди, деб ёзади Associated Press.**

Аммо, қутқарув операцияси икки-уч кунга тўхтатиб қўйилиши мумкин. Чунки, қамалдагилар турган жойда яна ўпирилиш юз берди. Бу ҳақда Перу бош вазири Оскар Валдес баёнот қилди. Қутқарувчилар қамалдаги кончилар ёнига етиб боришларига бор-йўғи икки метр қолганда янги ўпирилиш содир бўлди.

Собиқ атроф-муҳит вазири Хосе де Эгаве айтдики, Перу ҳукумати шахталарда юз берадиган аварияларга тайёрланмаганлиги билиниб қолди. Жумладан, собиқ амалдор бундай қутқарув операцияларини амалга ошириш учун махсус жамоа йўқлигини таъкидлади.

Қамалдагилар 250-280 метр чуқурликда туришибди. Улар 22 дан 59 ёшгача бўлган кончилар. Улар билан боғланиш учун ер қаърига шланг туширилди. Шахтёрларнинг аҳволи қониқарли. Шланг орқали уларга сув, егулик ҳамда кислород етказиб берилаяпти.

Фойдали қазилмалар Перу иқтисодиётининг асосини белгилайди. Шу боис 1980 йилда расман ёпиб қўйилган кондан ҳамон фойдаланиб келингани аварияга сабаб бўлди.

## ҲАРБИЙЛАРНИ КЎЧКИ БОСДИ

**7 апрель куни эрта тонгда Покистоннинг Ҳиндистон чегарасига яқин жойдаги Сиачен музли ҳудудида 135 ҳарбий хизматчини қор кўчкиси босиб қолгани ҳақида хабар тарқатди Associated Press.**

АҚШ Покистонга ёрдам кўрсатиш мақсадида саккиз мутахассисни юборди. Улар покистонликларга қутқариш ишларини жадал олиб бориш учун қандай воситалар керак бўлиши хусусида маслаҳатлар бериб туришади.

AFP агентлигининг аниқлик киритишича, эрта тонгда ҳарбий хизматчилар ҳали ухлаб ётган пайтда қор, тош-шағал ва лойқадан иборат 25 метр баландликдаги кўчки уларни босиб қолган. Бир километр масофага чўзилган кўчки зонасида 180 га яқин ҳарбийлар, 60 қутқарувчи ҳаракат қилмоқда. Операция жараёнида искович итлар, оғир техника ва вертолётлардан фойдаланилмоқда.

Бироқ, тирик қолганларни излаб топишдан умид деярли йўқ. "Фақат дастлабки 5-10 минут давомидагина тирикларни топиш мумкин эди, – деди альпинистларни тайёрлаш бўйича мутахассис, полковник Шер Хон AFP агентлиги вакилига. – Кўчки остида қолганлар босим, кучли совуқ ва кислород етишмаслиги оқибатида тез ҳалок бўладилар". Бунинг устига мураккаб обҳаво туфайли қидирув ишлари оғир кечаяпти.

Денгиз сатҳидан 6700 метр баландликдаги музликда жойлашган лагердаги ҳарбийлар жуда оғир табиий шароитдан кўпроқ ҳалок бўлмоқдалар. Бу ерда совуқ 70 даражагача пасайиб кетади.



НИГОҲ

## ЧЕГАРАЧИЛАР... ПАХТА СОТИШЯПТИ

**Тожикистон фермерлари далалардаги пахта "ўзидан-ўзи йўқолиб" қолаётганидан зорланишаяпти. Кейинчалик маълум бўлишича, қўшни Қирғизистон аҳолиси тожикларга ҳар килограмм пахта учун маҳаллий нархдан анча юқори ҳақ тўлашни ваъда қилаётган экан. Бундай имкониятдан фойдаланиб қолишни истаган тожикистонликлар бутун оила бўлиб тунда фермерлар даласидаги стратегик аҳамиятга эга пахта хом ашёсини яширинча териб кетишаётган экан. Терилган, тўғрироғи, ўғирланган бу пахтани қирғизистонлик "ишбилармон"ларга сотишаркан.**

Таъкидлаш жоизки, шу йўл билан қўлга киритилаётган пулларнинг бир тийини ҳам тожик фермерларга тегмайди. Бунданда қизиғи шуки, куч ишлатиш ҳуқуқига эга идоралар ходимлари ўз мамлакатлари меҳнаткашлари манфаатларини ҳимоя қилиш ўрнига, бундай жиноий ишларда ўзлари ҳам иштирок этмоқдалар.

Масалан, ўтган пахта йиғим-терими мавсуми (19 сентябрь)да Исфара чегара отрядининг "Сурх" заставасида ҳарбий хизматчилар Қирғизистон республикаси Боткент вилояти Лайлак туманида яшовчи Замира Сувалиевани уч тоннага яқин пахтани Қирғизистонга олиб ўтиб кетишга уринаётганда қўлга олишди. Чегарабузарнинг тан олиб айтишича, у контрабанда юкни Қирғизистон Республикаси пахта пунктларида сотишни режалаштирган экан.

Ушбу жиноий ҳаракатни махсус ўрганиш учун Тожикистоннинг Исфара чегара отрядидан капитан А. Қодиров бошлиқ бир неча офицерлар ташриф буюришди. Сирасини айтганда, бу ишда ортиқча уринишга ҳожат йўқ, бўлиб ўтган воқеа шундоқ ҳам кундек равшан. Фақат Замира Сувалиеванинг шерикларини аниқлаб, жазолаш керак, холос.

Лекин ундай бўлмади. Чегара отряди қўмондони подполковник Р. Орипов билан гаплашилиб, содир этилган жиноий иш мутлақо расмийлаштирилмай, ушланган аёл Тожикистон ҳудудидан шунчаки, чиқариб юборилди, айтиш мумкинки, Қирғизистонга кузатиб қўйилди.

Одатда бундай ишлар қуруқ раҳмат учун қилинмайди. Бинобарин, тожикистонлик чегарачилар қўшни мамлакат фуқаросига раҳм-шафқат кўрсатиб қўйиб юборганлари йўқ, албатта. Замира Сувалиева ўзини қўйиб юборишлари ва жиноий жавобгарликдан қутулиб қолиш учун чегарачиларга 400 АҚШ доллари берди.

Чегара қўриқчиларининг бу қадар пулга ўч эканликларини кўрган контрабандачи аёл агар мусодара қилинган пахтани ўзига қайтариб беришса, яна шунча доллар беришини айтди. Аммо, унинг ушбу чегарачиларнинг нафси аллақачон ҳаккалак отганидан хабари йўқ эди. Қўриқчилар ўғрилик пахтани Қирғизистонга олиб ўтиб кетиши учун яна 1500 доллар сўрадилар. Чунки, "осмон уларнинг қўлларида"да. "Ҳа" деса яхши. "Йўқ" деса, икки қўлини бурнига тиқиб кетаверади, суддан қутулиб қолганига шукр қилиб.

Қўлга туширилган уч тоннага яқин пахтани чегарачилар эгасиз юк сифатида расмийлаштириб, Сўғд вилояти божхона хизмати ходимларига топширишди. Пахта етиштирган бечора фермер эса, барибир қупқуруқ қолаверди.

**Саймуддин АЙНИЙ.**
**ЦентрАзия.**

## ПРЕЗИДЕНТЛИККА ДАЪВОГАРЛАР ЙИГИРМА КИШИДАН ОШДИ

**AFP агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Миср президенти лавозимига 20 дан зиёд киши номзод сифатида рўйхатга олинди. Номзодларнинг тузатилган пировард рўйхати 26 апрелда эълон қилиниб, шундан сўнг сайловолди кампанияси бошланади.**

"Биродар-мусулмонлар" ислом ҳаракати бир йўла бир неча номзод кўрсатди, аммо, ҳаракат раисининг ўринбосари ва унинг молиячиси Ҳайрат ал-Шатир президент курсисига асосий даъвогар бўлиб турибди. Гарчи ушбу сиёсий куч вакиллари илгари парламентнинг ҳар икки палатасида кўп ўрин олган бўлсаларда, ўз номзодларини кўрсатмоқчи эмасликларини таъкидлаган эдилар. Лекин, ниҳоят, сайловларда қатнашишга қарор қилишди.

Миср разведкаси бошлиғининг собиқ ўринбосари, мамлакат вице-президенти Омар Сулаймон ҳамда Араб давлатлари лигасининг собиқ бош котиби Амр Муса сайловларда аристократлар томонидан номзод сифатида қатнашадилар. Биринчи тур президент сайлови 23-24 май куни бўлиб ўтади. Агар ҳеч бир номзод 50 фоиздан зиёд овоз ололмаса, энг кўп овозга эгалик қилган икки номзод президент курсиси учун курашни давом эттиради. Иккинчи тур сайлов 16-17 июнда ўтказилади.

Ушбу сайловлар 2011 йил февралда аввалги давлат бошлиғи Ҳусни Муборак тахтдан қулатилганидан сўнг биринчиси бўлади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ФУТБОЛ



## ГОЛЛАРГА БОЙ МУСОБАҚАЛАР

**Футбол бўйича Ўзбекистон XXI миллий чемпионати олий лигасида учинчи турнинг бешта учрашуви ўтказилди.**

Мазкур тур пойтахт жамоалари учун омадли бўлди. Самарқандда "Динамо" жамоаси меҳмони бўлган "Пахтакор" 1:0 ҳисобида ғалаба қозониб, очколари сонини еттитага етказди. Гол Темурхўжа Абдухолиқов ҳисобига ёзилди. "Динамо" чемпионатда ҳали бирорта очко олмаган ягона жамоа бўлиб қолмоқда.

Биринчи лигадан чиққан "Локомотив" ҳам сафар учрашувида зафар қучди. Наманганда "Навбаҳор"га қарши кечган баҳсда тошкентлик чарм тўп усталари Дилшод Раҳматуллаев ва франциялик легионер Муҳаммад Бинди Мустафонинг биттадан голи эвазига 2:0 ҳисобида зафар қучди.

Учинчи турга келиб "Олмалиқ" ва "Металлург" жамоалари ҳам дастлабки ғалабасини нишонлади. Олмалиқлик футболчилар навбатдаги учрашувда ўз майдонида "Андижон" клубини қабул қилди. Игорь Шквирин шогирдларидан Олег Зотеев ва Дарко Станоевич биринчи бўлимда андижонликлар дарвозасини бир маротабадан ишғол қилди.

Ўйиннинг иккинчи ярмида "Андижон" сафида тўп сураётган ҳужумчи Владимир Шишилев бир жуфт гол уриб, ҳисобни тенглаштирди. Лекин учрашувнинг 78-дақиқасида Достон Абдураҳмонов гол киритиб, "Олмалиқ"нинг 3:2 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади.

Бекободда Зарафшоннинг "Қизилқум" жамоасини қабул қилган "Металлург" футболчилари Дилмурод Каримовнинг 4-дақиқадаги ягона голи эвазига кичик ҳисобда ғалаба қозонди. "Бухоро" футболчилари эса ўз мухлислари кўз ўнгида Муборакнинг "Машъал" жамоаси билан 1:1 ҳисобида дуранг натижа қайд этди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

## ЕВГЕНИЙ «ЗУМДА» КЕТДИ



Қон-қариндошлик ришталарига путур етса, қадр-қиммат йўқолади, одам боласининг ҳайвондан фарқи қолмайди. Жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг ёпиқ суд мажлисида кўрилган жиноий иш буни тасдиқлади.

Ким Евгений ўттиз икки ёшга кирибдики, бу ҳаётга томир ёйиш, ўсиб-унишни хаёлига келтирмади. Чинакамига бирон касб-кор бошини тутиб, ўз "уяси"ни яратишни ўйламади. Дуч келган юмуш билан шуғулланиб, яхши билмаган, синамаган одамлар билан яқинлик қилиб, кўнгли тусаган кўчаларда тентиради.

– Евгений – катта ўғлим, – деди судда отаси атрофдагилардан кўзини олиб қочиб. – Уйдан чиқиб кетганига беш йилча бўлди. Гоҳида эслаб қолса, келади. Ўша янги йил арафасида ҳам шундай бўлди – зумда хонадонимизда пайдо бўлиб, зумда кетди.

– Ойдин бозорида савдо-сотиқ билан шуғулланаётгандим, – деди судда гувоҳлик бериб унинг қариндоши Соня Габриловна. – 31 декабрь куни эрта билан Евгений келиб қолди. Ўн тўрт ёшли қизим Гуля менга қарашиб турганди. "Уни Тошкентга олиб кетай, – деди Евгений. – Янги йилни пойтахтда нишонласин". Улар – қариндошимиз, шу пайтгача бир-биримизга иззат-ҳурматда бўлганмиз. Қадр-қимматни баланд тутганмиз. Ҳеч қачон бир-биримизга ёмон муносабатда бўлмаганмиз, нохушлик кўрмаганмиз. Шу боис рози бўлдим, қизим Тошкентга бориб келақолсин, деб ўйладим. Қўлига йўл ҳақини бериб кузатдим. Шу кетишда номус-ори, ҳаёти барбод бўлишини қаёқдан билай...

Одамлик қиёфасини йўқотган қариндошидан кўрган жабрларини Гуля кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш билан суд ҳайъатига очиқ-ойдин гапириб берди.

– Дастлабки тергов-суриштирув пайтидаги кўрсатмаларимни тўла тасдиқлайман, – деди Гуля йиғлаб туриб. – Евгенийнинг Дилшод исмли дўсти хонадонида янги йилни кутамиз дейишди. Катталар ичишди, Дилшод мени ҳам ароқ ичишга мажбурлади.

Евгений иссиқхонада ишларкан. 1 январь куни эрталаб иш жойига мени ҳам эргаштириб борди. Хўжайин Евгенийни уришиб, ҳозироқ қизни уйига жўнатиб юбор, деб тайинлади. Лекин у пулим йўқ дея, мени Қўйиликда ёлғиз қолдириб кетди. Ўзим Олмалиққа жўнаб кета олмай, шу ерда, одамлар орасида тун бўйи юрдим, титраб-қақшаб тонг оттирдим. Эрта билан Евгений пайдо бўлди...

Уйга жўнатиб юбормади, Шаҳло исмли танишининг уйига бошлаб борди. Кечқурун Қўйилиқ бозори яқинидаги бир меҳмонхонадан жой олишди. Кечаси Шаҳло билан Евгений... бир ўринда ётишди.

3 январь куни тонг отиши билан уйга кетаман, дедим. Лекин улар йиғи-сиғимга парво қилишмади. Хуллас, Шаҳло дағдаға қилиб, қўрқитиб, йўл бўйига олиб чиқди, йўловчи ҳайдовчиларга мени "таклиф" қила бошлади. Улардан бири Шаҳлога бир даста пул бериб, бизни бир хонадонга олиб борди. У ерда Карим, Лёша деганлар билан ижарада яшаркан. Уч кун ўша жойда тутқунликда қолиб кетдим... 6 январь куни хонадон эгаси уларни уйдан ҳайдаб чиқарди. Шаҳло мени яна Қўйиликдаги меҳмонхонага олиб борди. Шаҳлонинг бир нотаниш йигити меҳмонхона ҳақини тўлаб, биз билан қолди...

Тонг отгач, хонага меҳмонхона ходимаси кириб қолди. Шу аёл мени бу хўрликлардан қутқарди, аҳволни кўриб, милицияга қўнғироқ қилди. Милиция ходимлари мени Олмаликқа, уйимизга олиб келишди...

Пул деса, ўзини томдан ташлашга тайёр Ким Евгений ўз қариндошининг вояга етмаган бир қизини Тошкентга олиб келиб, Шаҳло исмли танишига сотиши, ўн тўрт ёшли норасиданинг номусини оёқ ости қилиниши орқали ўз моддий эҳтиёжини қондириши... Бундай номуссизликни ўз олдига мақсад қилиб қўйишга бориб етишини идрок эта олмайди, киши. Аммо ота-она даргоҳини унутиб, кўча тентираб кун ўтказаётганлиги, у аллақачон одамлик қиёфасини йўқотганлигидан далолат, албатта.

Тергов ишлари якунлангач, инсон ориятини оёқ ости қилган Ким Евгений судда ўз қилмишларини хаспўшлашга обдон уринди. Эмишки, Олмалиқ бозорига тасодифан кирганмиш. Эмишки, холаси Соня Габриловна ундан қизи Гуляга катта шаҳарни томоша қилдиришни сўраганмиш. Гуля янги йилни Тошкентда нишонлашни орзу қилаётганмиш. Шундан кейин ноилож рози бўлганмиш... Унга асло ёмонлик истамаганмиш...

Лекин гувоҳларнинг кўрсатмалари, ўша мудҳиш воқеалар содир бўлган жойларни кўздан кечириш ва юзлаштириш протоколлари, суд-тиббий экспертиза хулосалари, жиноий иш юзасидан тўпланган бошқа материаллар у Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг бир неча моддалари билан айбдор деб топилиши учун тўла асос берарди. Шундан келиб чиқиб, ёпиқ суд мажлиси уни умумий ҳисобда 8 йилу 6 ой муддатга қамоқ жазосига маҳкум этди.

Ота-онага меҳр-оқибат кўрсатиш ёшида кўча тентираб, тайинли иш билан шуғулланмай, енгил-елпи юриш Ким Евгенийни шу тариқа панжара орқасига олиб кирди. Бу дунёда одамдек яшаш, қариндош-уруғ, оға-ини даврасида ўйнаб-кулиш, меҳнат билан ўз бахтини яратиш ўрнига ҳою-ҳавас, фаҳш йўллар ва шаҳвоний қабиҳлик орқали "ёруғлик кўриш"га интилиш кишини ана шундай тубанликка улоқтиради. Афсуски, аллақачон эс-ҳушини йиғиб олиш ёшига етган Ким Евгений Олмаликқа "зумда бориб-зумда келиб" юриб, асло ўзини қўлга ололмади. Аксинча, эндигина бўй кўрсатиб, орзу-умидлар кўчасига кириб келаётган бир ўсмирнинг бахту иқболига зомин бўлди. У жазони ўташ жойларида ақли тўлиб, эҳтимол ҳаётининг қолган қисмини бир инсондек яшаб ўтишга интилар.

Лекин ёшгина қиз ўз бошига тушган кўргуликларни унутармикан? Унинг қалб жароҳати тузалиб, ҳаёти изга тушиб кетармикан?

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

БИЛАСИЗМИ?

## САРАТОНГА ҚАРШИ ВАКЦИНА

Тель-Авив университети олимлари инсон организмидаги саратон касаллиги ҳужайраларига қарши курашувчи вакцина яратдилар. Буюк Британиянинг "Дейли телеграф" нашри тарқатган маълумотларга кўра, "Иммуцин" деб номланувчи мазкур препарат кишининг иммунитет тизимини яхшилайди ва саратонга нисбатан курашувчи моддалар миқдорини оширади. Препарат организмдаги саратон шиши жараёнини тезлаштирувчи муцин-1 моддасига таъсир кўрсатиб, ўсимталарнинг ривожланишини секинлаштиради.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, "Иммуцин" препарати билан даволанган беморларда ушбу хавфли хасталикка қарши курашувчанлик қобилияти ошган, улар соғая бошлаган. Янги вакцинани ишлаб чиқарган "Васкил биотерапьютикс" фармацевтик компанияси вакилларининг фикрича, бундай препарат олти йил ичида савдога чиқарилади.

## АСАБ БУЗУВЧИ ВОСИТА

Испаниялик олимлар икки ёшгача бўлган болаларнинг телевизор қаршисида ўтиришини қатъиян тақиқлашни, ундан катта ёшдагиларга эса ҳафтасига ўртача 2-3 соатдан кўп телевизор кўрмасликни тавсия қилмоқда.

Олимларнинг таъкидлашича, телевидение беш ёшгача бўлган болаларнинг соғлиги ва маънавий-руҳий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Ўтказилган кузатув натижасида бу ёшдаги болаларнинг ойнаи жаҳон орқали намойиш этилаётган кўрсатувларни, жумладан, мультфильмларни томоша қилиши оқибатида уларда уйқусизлик, ҳатто стрессга тушиш ҳолатлари ҳам аниқланган. Мутахассисларнинг айтишича, бугунги кун мультфильмларида зўравонлик, отишмалар, асаб тизимига салбий таъсир кўрсатувчи бошқа кўплаб лавҳаларни учратиш мумкин.

**ЎзА.**

**Михаил ЗОШЧЕНКО**

## МУШУК БИЛАН ОДАМЛАР

(Ҳажвия)

Печкамиз жуда расво, тутагани-тутаган. Унинг дастидан ҳаммамизга ис тегиб, ўладиган бўлдик. Таъмирлаб беринглар, десак, ЖЭКдаги зиқналар унамайди. Бир тийиннинг устида жон беришади. Пулни қисмлаб тежашади-ю, кейин ғалвирлаб совуришади.

Охир бир куни комиссия келиб, печкамизни кўрди. Ҳатто, мўрига калла тиқиб, ичкарисини ҳам текшириб чиқишди.

– Ҳаммаси жойида, – дейишди улар, – яшаса бўлади.

– Биродарлар, ҳаммаси жойида дегани уялмайсизларми? – дедим. – Бу печкадан ис тегиб, ўлар ҳолатга етдик-ку? Тунов куни, ҳатто, мушугимизга ҳам ис тегди. Анови пақир ёнига бориб, роса қусди. Яна ҳаммаси жойида дейсиз.

– Ундай бўлса, – деди ЖЭК раиси, – биз ҳозир тажриба ўтказамиз. Печкангиз тутармикан, тутамасмикан. Агар тутаб, бизга ис тегса – бахтингиз, печкангизни қайта қуриб берамиз. Мабодо тутамасдан гуриллаб ёнса, кетган кўмирингиз учун бизни коймайсиз.

Печкани ёқдиг-у, атрофига давра қуриб ўтириб олдик. Мўри ёнига раис чўкди. Унинг ёнига Грибаедов деган котиби, менинг қабатимга хазиначи ўтирди.

Ҳадемай, хона бўйлаб қўланса ҳид тарқала бошлади. Раис ҳавони искади-ю:

– Ҳеч нима сезмаяпман, – деди елка қисиб, – иссиқ ҳаво келаяпти, холос.

Турқи совуқ хазиначи уни қувватлади:

– Тўппа-тўғри. Бундан ортиқ тоза ҳаво бўлмайди. Бемалол нафас олиш мумкин. Бошинг ҳам айланмайди. Бизнинг уй, масалан, бундан ҳам сассиқ, лекин мен чидаяпман, бўлар-бўлмасга тўполон қилаётганим йўқ. Қаранг, қанақа мўътадил ҳаво!

– Қанақасига мўътадил, барака топкур! – деб хуноб бўлдим, – кўрмайсизми, вишиллаб газ чиқаяпти!

Гапга раис аралашди:

– Мушугингизни обкелинг, – деди у. – Агар мушук миқ этмай ўтирса, печка тутамаётган бўлади. Ҳайвон зоти ҳеч қачон алдамайди. У одам эмас, унга бемалол ишониш мумкин.

Мушукни чақириб, каравотга ўтказиб қўйдим. У қимир этмай ўтираверди. Сассиқ ҳавога ўрганиб қолган-да, бечора қочиб қайга ҳам борарди.

– Тамом! – деди раис мушукка имо қилиб, – ҳеч қанақа сассиқ-пассиқ йўқ. Маъзур тутасиз...

Шу пайт хазиначи чайқалиб кетди-ю, ўрнидан турди.

– Узр, зарил ишим чиқиб қолди, бормасам бўлмайди.

Қарасам, у секин дераза олдига бориб, ойнанинг тирқишидан нафас олаяпти. Башараси кўкариб кетган, тиззалари қалтирайди.

– Шошма, ҳозир ҳаммамиз кетамиз, – деди раис.

Мен хазиначининг тирсагидан тутдим.

– Бунақа тажриба ўтказишга мен қаршиман. Бу ёкқа келинг.

У гандираклаб ўгирилди.

– Бемалол. Уйингизнинг ҳавоси менга мойдай ёқаяпти. Қаранг, қандай ажойиб, мусаффо ҳаво! Таъмир-паъмирдан умидингизни узинг! Печкангиз тутун қайтармай, гуриллаб ёниб турибди.

Ярим соатларда раис ҳам ағдарилиб тушди. Уни замбилга солиб, "Тез ёрдам" машинасига ортаётганимизда тепасига келдим.

– Хўш, печка қалай экан, жаноб раис? – дедим кулиб.

– Таъм-мирга муҳтож... эм-мас, – деди у аранг бир кўзини очиб, – яшаса... бўл-лади...

Шу-шу, печкамиз таъмирланмай қолиб кетди. Қўлимиздан нимаям келарди. Бадбўй ҳавога аста-секин кўникаяпмиз. Одам боласи бурга эмас, у ҳар балога кўникиб кетиши мумкин.

**Саъдулла СИЁЕВ таржимаси.**

РАССОМ ХАНДАСИ



*– Ҳозирги харидорлар маҳсулот сертификатига барибир эътибор беришмайди...*

**Юля ЗЕМЛЯНСКАЯ чизган расм.**

Учтепа тумани ҳокимияти томонидан 2011 йил 15 мартда 004281-01 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "DOSTON TEXT" МЧЖ (ИНН 301883927, ОКОНХ 17116) ўз фаолиятини **ТУГАТАДИ.**

Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 158-34-00 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Яккасарой тумани инспекциясида рўйхатга олинган (ИНН 302079564) "RUDI TRADE" масъулияти чекланган жамияти ўз-ўзини **ТУГАТАДИ.**

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида 406-29-46 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: **Тошкент вилояти ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир**
**Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Телефонлар:**

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс). |
| Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: | 233-12-83, 233-48-08. |
| Шартнома ва эълонлар: | 236-55-54. |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 233-54-10. |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Жўра САЪДУЛЛАЕВ**

Навбатчи **Юлдузхон МУҲИДДИНОВА**

Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-442. Адади 12881. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 12345